

**РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ СУДДА ҚЎЛЛАШ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ
ТАЖРИБА****Хатамов Шукурулло Убайдуллаевич**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

“Прокурорлик фаолияти” Магистратура тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20679981>

Аннотация. Мазкур илмий мақолада рақамли далилларни суд жараёнларида қўллаш бўйича АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам ҳамда МДҲ давлатларининг илгор тажрибалари таҳлил қилинган. Рақамли далилларнинг ҳақиқийлиги, ишончлилиги, аутентификацияси ва бутунлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳамда процессуал механизмлар ёритилган. Хорижий давлатлар амалиётида электрон далилларни йиғиш, сақлаш, текшириш ва судда баҳолашнинг замонавий усуллари ўрганилган. Тадқиқот натижасида рақамли далиллардан фойдаланишда халқаро стандартлар ва илгор тажрибаларнинг аҳамияти асослаб берилган. Шунингдек, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда суд амалиётида рақамли далиллардан самарали фойдаланиш бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган. Олинган натижалар Ўзбекистонда рақамли далиллар институтини ривожлантириш ва суд қарорларининг қонунийлиги ҳамда адолатлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Калит сўзлар: рақамли далил, электрон далил, аутентификация, суд амалиёти, электрон ҳужжат, рақамли технологиялар, суд экспертизаси.

Аннотация. В данной научной статье проанализирован передовой опыт США, Канады, Великобритании, Франции, Китая, Индии, Вьетнама, а также государств СНГ по использованию цифровых доказательств в судебных процессах. Освещены правовые и процессуальные механизмы, направленные на обеспечение подлинности, достоверности, аутентификации и целостности цифровых доказательств. Изучены современные методы сбора, хранения, проверки и оценки электронных доказательств в судебной практике зарубежных государств. В результате исследования обосновано значение международных стандартов и передового опыта при использовании цифровых доказательств. Кроме того, разработаны научные выводы и предложения по совершенствованию национального законодательства и эффективному применению цифровых доказательств в судебной практике. Полученные результаты будут способствовать развитию института цифровых доказательств в Узбекистане, а также обеспечению законности и справедливости судебных решений.

Ключевые слова: цифровое доказательство, электронное доказательство, аутентификация, судебная практика, электронный документ, цифровые технологии, судебная экспертиза.

Annotation. This scientific article analyzes the advanced practices of the United States, Canada, the United Kingdom, France, China, India, Vietnam, and the CIS countries regarding the use of digital evidence in judicial proceedings. The study highlights the legal and procedural mechanisms aimed at ensuring the authenticity, reliability, authentication, and integrity of digital evidence. Modern methods of collecting, preserving, examining, and evaluating electronic evidence in the judicial practice of foreign countries are thoroughly examined. The research substantiates the significance of international standards and best practices in the use of digital evidence. Furthermore, scientific conclusions and recommendations have been developed for improving national legislation and enhancing the effective use of digital evidence in judicial

proceedings. The findings of the study contribute to the development of the digital evidence institution in Uzbekistan and promote the legality and fairness of judicial decisions.

Keywords: digital evidence, electronic evidence, authentication, judicial practice, electronic document, digital technologies, forensic examination.

Ҳар бир соҳанининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, рақамли далилларни судда қўллаш масаласи юзасидан Шимолий Америка, Европа ва Осиё китъаси мамлакатларининг тажрибаси ўрганилди.

АҚШ. АҚШда Федерал далиллар қоидалари (Federal Rules of Evidence – кейинги ўринларда FRE) суд жараёнларида рақамли далилларнинг қабул қилиниши учун асосий ҳуқуқий тузилмани таъминлайди. 1975 йилда қабул қилинган ва кейинчалик бир неча марта такомиллаштирилган ушбу қоидалар фақат тегишли, ишончли ва текширилган далилларнинг судга тақдим этилишини кафолатлашга қаратилган. Электрон тарзда сақланадиган ахборотнинг оммалашуви анъанавий далиллаш принципларини рақамли форматларга нозик равишда мослаштиришни талаб қилди. FREнинг 402-қоидасига мувофиқ, барча тегишли далиллар, агар махсус қоидалар ёки қонунлар билан истисно этилмаган бўлса, қабул қилинади. Тегишлилик 401-қоидада далилнинг муайян ҳолатни исботлаш ёки рад этиш эҳтимолини ошириш ёки камайтириш хусусиятига эга бўлиши сифатида таърифланади. Бу кенг таъриф агар улар ишдаги муҳим ҳолатларга тегишли бўлса рақамли далилларни ҳам қамраб олади.

Рақамли далилларнинг қонунийлиги учун текшириш муҳим талаб ҳисобланади. FRE 901(а) қоидасига кўра, далилни тақдим қилувчи тараф объект ҳақиқатан ҳам унинг таърифлагани каби эканини исботлаш учун етарли далилларни тақдим этиши шарт. Бу турли усуллар орқали амалга оширилиши мумкин: гувоҳлик, эксперт таҳлили ёки далилнинг ўзига хос хусусиятлари орқали. Электрон далилларда аутентификация одатда хэш қийматини текшириш, метамаълумотларни таҳлил қилиш ва рақамли имзолар орқали амалга оширилади.

Шунингдек, электрон далиллар кўпинча эшитув гувоҳлик (hearsay) муаммосига дуч келади, чунки улар суддан ташқари билдирилган маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. FRE 801–807 қоидалари эшитув гувоҳлик ва унинг истисноларига оиддир. Масалан, электрон шаклда сақланган иш юритувчи ёзувлар FRE 803(6) да белгиланган иш юритувчи ёзувлар истисносидан фойдаланиб, уларнинг мунтазамлиги ва ишончилиги талабларига жавоб берса, қонуний ҳисобланиши мумкин. Судлар бу қоидаларни электрон хатлар ва матн хабарлари каби далилларга қўллайди ва уларнинг қонунийлигини эшитув гувоҳликка оид истиснолар асосида баҳолайди. Энг яхши далил қоидаси (Rules 1001-1008) асосида, далилнинг мазмуни ҳақиқий ёзув, файл ёки фотосурат орқали тасдиқланиши керак, агар истиснолар қўлланилмаса. Нусхалар ҳам қабул қилиниши мумкин, фақат ҳақиқийлигига шубҳа туғилса ёки нусха қабул қилиниши адолатсиз бўлса истисно қилинади. Бу қоида судда тақдим этилаётган электрон далилларнинг тўғри ва ишончли бўлишини таъминлайди[1].

Масалан, Lorraine ва Markel American Insurance Co. ишида Мэриленд округи АҚШ Округ суди судьяси Пол Гримм электрон шаклда сақланган маълумотлар (ESI) қонунийлиги бўйича мукамал йўриқнома тақдим этган. Судья Гримм ESI қонуний деб тан олиниши учун қуйидаги асосий талабларни бажариш кераклигини таъкидлади:

Тегишлилик: FRE 401 ва 402 қодаларига мувофиқ, тақдим этилаётган маълумот иш бўйича муҳим фактларни аниқлашга хизмат қилиши ва иш билан боғлиқ бўлиши керак.

Аутентификация: FRE 901 қоидаси асосида, ESI ҳақиқий эканини ва уни тақдим этаётган тараф томонидан айтилаётганини исботлаш керак. Аутентификация усулларига метамаълумотлар, хэш қийматлари текшириши ёки гувоҳлик кириши мумкин.

Эшитув гувоҳлик қоидаларидан истиснолар: FRE 801, 803 ва 804 қодаларига кўра, ESI эшитув гувоҳлик сифатида қоидабузар ҳисобланмайди, агар у белгиланган истисноларга кирмаса. Масалан, иш юритувчи ёзувлар ёки шахсга қарши билдирилган баёнотлар муайян шартларда қонуний ҳисобланиши мумкин.

Энг яхши далил қоидаси: FRE 1001-1008 қодаларига мувофиқ, тақдим этилаётган далиллар оригинал ёки қонуний нусха бўлиши керак, фақат оригинал мавжуд бўлмаган ҳолатларда истисно қўлланилади. Бу қоида далил мазмунининг тўлиқ ва аниқ акс этишини кафолатлайди.

Судья Гримм таъкидлаганидек, бу талабларни бажармаслик электрон далилларни судда рад этилишга олиб келиши мумкин, шунинг учун ESI ни тайёрлаш ва тақдим этишда диққат муҳим аҳамиятга эга[2].

Рақамли далилларни суд жараёнига интеграция қилиш АҚШ ҳуқуқ амалиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда юристлар рақамли технологиялар ва далил қонунийлигига оид масалаларни яхши тушунишлари зарур. Бу маълумотларни сақлаш, криминалистик таҳлил ва турли рақамли далил шакллари аутентификация қилишнинг нозик жиҳатларини ўз ичига олади. FRE нинг рақамли далилларни қамраб олишга мослашувчанлиги уларнинг судда қонуний ва ишончли тарзда қўлланилишини таъминлайди ва технологик ривожланишлар орасида далил структурасининг барқарорлигини сақлайди.

Канада. Канадада рақамли далилларнинг қонунийлиги ҳам қонунчилик нормалари, ҳам умумий қонун принциплари орқали тартибга солинади ва бу ерда аутентификация ва ишонччилик алоҳида таъкидланади. Канада далил қонуни (Canadian Evidence Act, кейинги ўринларда СЕА) электрон ҳужжатларга бағишланган махсус бўлимларни ўз ичига олади, бу ҳуқуқ тизимининг технологик ривожланишларга мослашувини акс эттиради. СЕАнинг 31.1–31.8 бўлимлари айниқса электрон ҳужжатларнинг қонунийлигига бағишланган. Бу нормалар анъанавий далил қодалари билан биргаликда ишлаши керак бўлиб, электрон ҳужжатлар физик аналоглари билан бир хил текширувдан ўтишини таъминлайди. СЕА электрон ҳужжатлар аутентификация қилинишини ва уларнинг бутунлиги (интегритети) ўрнатилиши лозимлигини талаб қилади[3].

Канадада электрон ҳужжатларни аутентификация қилиш учун ҳужжат ҳақиқатан ҳам ўзини кўрсатганидек эканини тасдиқловчи далиллар талаб қилинади. Бу далиллар турли усуллар орқали тақдим этилиши мумкин: гувоҳлик кўрсатмалари, ҳужжат яратилган тизимга оид техник далиллар ёки ҳужжатнинг ўзига хос хусусиятлари. Мақсад ягона яъни рақамли далиллар ўзгартирилмаган ёки сохталаштирилмаганлигини исботлаш, шу орқали унинг ишончилигини таъминлаш. Шу сабабли, СЕА электрон ҳужжатлар тизимининг бутунлигига катта эътибор қаратади.

Бундан ташқари, СЕАнинг 31.2(1) бўлимига кўра, электрон ҳужжатнинг бутунлиги ҳар бир муҳим вақт нуктасида компьютер тизими ёки бошқа ўхшаш қурилма тўғри ишлагани ёки ҳужжатни киритмоқчи бўлган тарафга қарама-қарши манфаатдаги тараф

томонидан ҳужжат ёзилган ёки сақлангани аниқланган бўлса. Бу тахмин электрон ҳужжатларнинг қонунийлигини оsonлаштиради ва яхши хизмат кўрсатилган электрон тизимларнинг ишончлилигини эътироф этади.

Канадада электрон ҳужжатларга қўлланиладиган энг яхши далил қондаси электрон ҳужжат сақланган тизимнинг бутунлигини исботлашни талаб қилади. Бу ёндашув электрон ҳужжатларнинг анъанавий маънода ягона “ҳақиқий” бўлмаслиги мумкинлигини тан олади ва эътиборни ҳужжатни яратган тизимнинг ишончлилигига қаратган. Бу тизимга йўналтирилган ёндашув электрон ҳужжатларни физик оригинални тақдим этмасдан ҳам далил сифатида қабул қилинишига имконият беради.

Масалан, “Oland” ишида Канада Олий Суди рақамли далилларни қабул қилиш учун электрон ҳужжатлар тизимининг бутунлигини ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Суд шундай деб топди: бу каби далилларнинг қонунийлигини таъминлаш учун уларнинг аутентификацияси ва бутунлиги ҳамда маълумотларни йиғиш ва сақлаш тартибларига риоя қилиниши лозим.

Фикримизча, ушбу қарор рақали далилларнинг суд жараёнларида аҳамиятининг ортиб бораётганини ва уларни баҳолаш ҳамда қўллаш учун аниқ стандартларни ишлаб чиқишнинг муҳимлигини кўрсатади.

Буюк Британия. Буюк Британия судларида рақамли далиллар билан ишлаш соҳасида кенг қўламли норматив ва методик асослар яратилган. Шу боис, мамлакатнинг суд амалиёти ва қонунчилиги рақамли далилларнинг бутунлиги ва аутентификациясини таъминлашга йўналтирилган комплекс йўриқномаларни ўз ичига олади.

Буюк Британия тажрибасида рақамли далиллар билан ишлашда биринчи навбатда уларнинг техник аслиги ва бутунлиги аҳамиятли бўлиб, бу принцип ҳар қандай рақамли маълумотни судда ишончли далил сифатида тақдим этишнинг асосий шарти ҳисобланади. Бу жараёнда рақамли далиллар яъни компьютер файллари, сервер журналлари, электрон почта хабарлари ва мобиль курилма маълумотлари узлуксизлик ва ўзгартирилмаганлик мезонлари асосида баҳоланади.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли далилларнинг аутентификацияси ва бутунлиги текширилмас экан, уларнинг судда қабул қилиниши ва ишончлилиги ҳақидаги баҳслар доимий равишда юзага чиқади. Шу нуқтаи назардан, Буюк Британиянинг АСРО (Association of Chief Police Officers) томонидан ишлаб чиқилган принциплар электрон далилларни йиғиш ва таҳлил қилишда ягона методологик кўрсатма сифатида хизмат қилади. Ушбу принциплар қуйидаги илмий жиҳатларга эга:

ҳужжатлаштиришнинг тегишлилиги: ҳар бир далилни топиш, сақлаш, кўчириш ва таҳлил қилиш расмий қайд этилиши лозим. Бу ҳолат, рақамли далиллар билан ишлашда тадқиқот натижаларини қайта текшириш имконини беради;

узлуксизликни таъминлаш: далиллар тўпланганидан судга тақдим этилишга қадар барча ҳаракатлар электрон ёки қоғоз шаклида қайд этилади. Бу жараёнда далилларга нисбатан ноқонуний ўзгаришлар киритилган ёки киритилмаганлиги текширилади;

судда ишончли усуллар қўлланиши: экспертларда қўлланиладиган техник усуллар илмий ва халқаро стандартларга мувофиқлиги талаб қилинади. Бу мезон рақамли далилларнинг ишончлилиги ва қабул қилиниши учун муҳимдир[4].

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, Буюк Британияда рақамли далиллар билан ишлаш бўйича комплекс йўриқномалар нафақат техник, балки процессуал ва ҳуқуқий

жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўриқномаларнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

рақамли далилларни тўплаш ва сақлашда бир хил қоидаларни жорий қилиш;
экспертизаларда стандартлашган усуллардан фойдаланишни таъминлаш;
суд жараёнида далилларнинг ишончилиги ва ҳақиқийлигини кафолатлаш;
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судьялар орасида методологик ягоналикни яратиш[4].

Илмий таҳлил шуни кўрсатадики, бундай йўриқномаларнинг мавжудлиги рақамли далиллардан самарали фойдаланиш ва ҳуқуқий баҳсларни минималлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Йўриқномалар рақамли далиллар билан ишлаш жараёнидаги энг илғор амалиётни белгилайди ва миллий қонунчилик билан уйғунлаштирилган ҳолда суддаги ишончилиликни таъминлайди.

Бизнингча, Буюк Британия тажрибаси кўрсатадики, электрон далиллар билан ишлашда комплекс йўриқномалар ва АСРО принциплари илмий асосланган, ҳуқуқий ва процессуал жиҳатдан ҳам мутаносиб тизим яратади. Бу принциплар рақамли маълумотларнинг бутунлигини ва аутентификациясини таъминлаш, судда ишончилиликни ошириш ва ҳуқуқий баҳсларни камайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ҳам шундай йўриқномалар ва стандартлар жорий қилиниши рақамли далиллардан самарали ва ишончли фойдаланишга замин яратади. Шунингдек, бу илмий, техник ва процессуал жиҳатларини интеграция қилувчи ягона тизимнинг яратилиши, судларнинг шаффофлигини таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади.

Франция. Франция қонунчилиги рақамли далиллар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди ва электрон ёзувларнинг далиллик қийматини таъминлашга эътибор қаратди. Бу борада икки асосий ёндашув қўлланилади: бири — ахборот тизимларининг хавфсизлигига, иккинчиси — электрон имзоларга асосланган. Бу усуллар рақамли ёзувларнинг аутентификацияси ва бутунлигини таъминлаш, шу орқали уларнинг судда қонунийлигини осонлаштиришга хизмат қилади[5].

Фикримизча, Франциянинг судларларда рақамли далилларни қўллаш юзасидан қонунчилик ҳужжатларини халқаро стандартлар (eIDAS) билан бирга таҳлил қилиш мамлакатимизда рақамли далиллар институтини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳиндистон. Ҳиндистон ҳуқуқий тизими рақамли даврга мослашиб, рақамли далиллар билан боғлиқ нормаларни ўз қонунчилик базасига киритган. 2000 йилда қабул қилинган “Ахборот технологиялари тўғрисида”ги қонун ва ундан кейинги ўзгартиришлар электрон ёзувлар ва рақамли имзоларнинг ҳуқуқий кучини белгилаб, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштирган. 1872 йилги Ҳиндистон далиллар тўғрисидаги қонуннинг 65В-боби, ушбу қонун орқали киритилган бўлиб, рақамли далилларнинг қонунийлигини тартибга солади. Унда электрон ёзувдаги ҳар қандай маълумот муайян шартлар маълумотларнинг бутунлиги ва ҳақиқийлиги таъминланган ҳолда рақамли далил сифатида қабул қилиниши мумкинлиги кўрсатилган[1]. Бу, хусусан, электрон ёзувни идентификация қиладиган ва унинг қандай яратилганини тасвирловчи сертификатни талаб қилишни ўз ичига олади, бу эса тақдим этилган далилларнинг ишончилигини таъминлайди. Ҳиндистон судлари рақамли далилларни қабул қилишда 65В-боб талабларига қатъий амал қилиниши кераклигини таъкидлайди.

Масалан, мамлакатда бўлиб ўтган машхур “Anvar P.V. ва P.K. Basheer (2014)” суд ишларида Ҳиндистон Олий суди шундай қарор қабул қилди: 65В-бобга мувофиқ керакли сертификатсиз тақдим этилган рақамли далиллар номақбул далил сифатида топилди[6].

Суд электрон ёзувларни рақамли далил сифатида тан олиши учун 65В-бобда белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиниши, шу жумладан маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва бутунлигини тасдиқловчи сертификат тақдим этилиши зарурлигини таъкидлади. Бу қарор аввалги амалиётни бекор қилди, у амалда сертификатсиз рақамли далилларни қабул қилишга имкон берган ва рақамли далилларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида процессуал талабларни бажариш мажбуриятини ўрнатди.

Россия Федерацияси. Россия Федерациясида рақамли далилларни тўплаш ва фойдаланиш Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК РФ) орқали тартибга солинади. 2019 йилда ЖПК РФга 164.1-модда киритилган бўлиб, у жиноят ишлари бўйича тергов жараёнида электрон маълумотларни сақловчи қурилмаларни олиш тартибини белгилайди[7]. Қонунни ижро этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар турли усуллардан фойдаланади, шу жумладан электрон қурилмаларни олиш ва маълумотларни чиқариш учун махсус дастурий таъминотдан фойдаланиш. Рақамли далилларни судда қонуний қабул қилиниши учун маълумотлар занжири ва процессуал протоколларни сақлашга алоҳида эътибор қаратилади. Белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилинмаслиги далилларнинг судда қонуний эмас деб топилишига олиб келиши мумкин, бу эса рақамли маълумотлар билан ишлашда процессуал нормаларга қатъий амал қилишнинг аҳамиятини кўрсатади.

Шунингдек, илмий адабиётларда электрон далилларнинг жиноят процессида ҳуқуқий тартибга солинишини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган. Бунинг ичида уларнинг ҳуқуқий мақоми аниқланиши ва тўплаш ҳамда қўллаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилиши киради. ЖПК РФда “рақамли далиллар” тушунчасининг аниқ қонуний таърифи йўқлиги турли талқинларга олиб келиб, уларни амалда қўллашни мураккаблаштиради[8].

Баъзи тадқиқотчилар электрон далилларни моддий далиллар ва бошқа ҳужжатлардан фаркланадиган мустақил тур сифатида қарашни таклиф қилдилар, бу эса қонунчиликка тегишли ўзгаришларни киритишни талаб қилади.

Беларусь Республикаси. Беларусь Республикасида рақамли технологиялар ривожланиши билан боғлиқ равишда жиноят суд ишларида рақамли далиллардан фойдаланишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Беларусь Республикасининг Жиноят-процессуал кодекс электрон маълумотларни олиш, таҳлил қилиш ва сақлаш бўйича тартибларни назарда тутди, аммо унда “рақамли далиллар” тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмас[9].

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг махсус бўлимлари, масалан кибержиноятларга қарши кураш бўлимлари, рақамли далилларни қайта ишлаш билан шуғулланади ва маълумотларнинг бутунлиги ва ҳақиқийлигини сақлаш учун тегишли протоколларга риоя қилишни таъминлайди. Шу билан бирга, илмий адабиётларда рақамли далилларни жиноят процессида мустақил далил манбаи сифатида қонуний равишда белгиланиши зарурлиги қайд этилади. Бу улардан фойдаланиш амалиётини бир хиллаштириш ва ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар рақамли маълумотлар билан ишлаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш аҳамиятини таъкидлайдилар, бу уларни тўплаш, таҳлил қилиш ва судда тақдим этишни ўз ичига олади. Бу талаб электрон далиллар хусусияти билан боғлиқ бўлиб, улар тегишли сақлаш чораларисиз осонгина ўзгариши ёки йўқолиши мумкин. Шундай қилиб, Беларусь Республикасида жиноят процесда электрон далиллардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва амалиёт жиҳатлари такомиллаштирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш ўринлики, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, АҚШ, Буюк Британия ва Франция каби илғор давлатларнинг тажрибаси рақамли далилларни судда қўллашда бир қатор муҳим принциплар ва стандартларни шакллантирган. Ушбу давлатларда рақамли далилларнинг қонунийлиги ва ишончилиги таҳлил қилинишида бир неча умумий ёндашувлар кузатилмоқда:

Ҳуқуқий асоснинг мустақамлиги – рақамли далиллардан фойдаланиш аниқ қонунчилик ва норматив ҳужжатларга асосланган.

Масалан, Францияда электрон имзо ва электрон ҳужжатларнинг расмий далил сифатида қабул қилиниши қонуний асос билан қафолатланган, Буюк Британияда АСРО принциплари электрон далилларни йиғиш ва сақлашда ягона стандартларни белгилайди.

Техник ва методологик стандартлаштириш – рақамли далилларнинг бутунлиги, аутентификацияси ва ўзгармаслигини таъминлаш учун илмий асосланган усуллар ва стандартлар қўлланилади.

Эксперт тадқиқотлари ва баҳолаш мезонлари – рақамли далиллар ҳар бир ишда индивидуал тарзда ва комплекс баҳолаш мезонлари асосида таҳлил қилинади. Бу жараёнда далилларнинг ишончилиги, релевантлиги, қабул қилиниши ва ҳуқуқий аҳамияти эътиборга олинади.

Процессуал назорат ва ҳужжатлаштириш – барча ҳаракатлар (таҳлил, сақлаш ва тақдим этиш) хатти-ҳаракатлар қайд этилиши ва судда назорат қилиниши билан қафолатланади. Бу усуллар рақамли далиллардан фойдаланишда ҳуқуқий ва техник хатоликларни минималлаштиради.

Шунингдек, илғор давлатларда рақамли далилларни судда қўллашда техник ва ҳуқуқий интеграция – муҳим талаб ҳисобланади. Ушбу ёндашув рақамли маълумотларнинг ишончилигини ошириш, суд қарорларини аниқ ва асосли қилиш ҳамда ҳуқуқий баҳсларни камайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Умуман олганда, илғор хорижий давлатлар тажрибаси рақамли далиллардан самарали ва қонуний фойдаланишда миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун муҳим илмий асос ҳисобланади. Ўзбекистон ёки бошқа давлатлар учун бу тажриба рақамли далиллар институтини ривожлантириш, судларда рақамли далиллардан фойдаланиш орқали суд томонидани чиқарилаётган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Собиров. Сравнительно-правовой анализ регулирования электронных доказательств в уголовном судопроизводстве: опыт США, ЕС и стран СНГ. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue – 4 № 5 (2023) / ISSN 2181-1415.
2. Lorraine v. Markel American Ins. Co., 241 F.R.D. 534 (D. Md. 2007).

3. R. v. Oland, 2017 SCC 17 (CanLII), [2017] 1 SCR 250, (<https://canlii.ca/t/h2q81>), retrieved on 2024-12-21.
4. Janet Williams. ACPO Good Practice Guide for Digital Evidence, Version 5 (October 2011).
5. Philippe Bazin. "An outline of the french law on digital evidence". Digital Evidence and Electronic Signature Law Review, Vol 5.
6. Anvar P.V vs P.K.Basheer & Ors on 18 September, 18 сентября 2014 г. — IN THE SUPREME COURT OF INDIA. CIVIL APPELLATE JURISDICTION. CIVIL APPEAL NO. 4226 OF 2012. Anvar P.V. ... Appellant (s) Versus. P.K. Basheer and others ... Respondent (s) J U D G M E N T. KURIAN, J.: Construction by plaintiff, destruction by defendant.
7. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Принят Государственной Думой 22 ноября 2001 года. (Одобен Советом Федерации 5 декабря 2001 года).
8. Воронин Михаил Ильич (2019). Электронные доказательства в УПК: быть или не быть? *Lex Russica*, (7 (152)), 74-84. doi: 10.17803/1729-5920.2019.152.7.074-084.
9. Цыкунова, И. Н., & Паникаренко, Э. В. (2023). Цифровые (электронные) данные как новый источник доказательств в уголовном процессе.